

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б.Р.У.Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “ORIGINAL” масъулияти чекланган жамияти номидан Устав ва AL-000445 -сонли лицензия асосида иш кўрувчи директор М.Р.Ахматбоев иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 22-апрелдаги 69125-сонли баённомасига асосан мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи ИЛ “Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, «Қаторгол» МФЙ ҳудудидаги 184-сонли мактаб биносини мукаммал таъмирлаш. (АРТ 1-2 ва топохаритани ҳисобга олган ҳолда)” учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиҳа;
- жорий нархлардаги смета ҳисоби;

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бўйича давлат ва зарур бўлганда бошқа тегишли экспертиза хулосаларини олгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

## 2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (ҚҚС билан) 81 700 000 (саксон бир миллион етти юз минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.



### **3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. Бажурвчи қуйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътирозларини инобатга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини қафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Лойиҳачини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилиши ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни муддат ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

### **4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига



имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиха-смета ҳужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огохлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиха-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил экспертларга лойиха смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиха-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огохлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

## **5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ**

5.1. Лойиха-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## **6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Бажарувчи лойиха-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиха-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиха-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиха-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, бироқ тўланмаган сумманинг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, бироқ ўз вақтида бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Неустойканинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## **7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни



бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

## **8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;

- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;

- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

## **9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажақда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи

тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## 10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувиининг кўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.6. Шартномага куйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.

## 11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

### БУЮРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA  
BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING  
KOMPANIYA” ДУК

Юридик манзили:

100027, Тошкент ш., И.Каримов кўчаси,  
16А-уй.



Директор в.б.

*[Handwritten signature]*

Р.У. Кучкаров

### БАЖАРУВЧИ

“ORIGINAL” МЧЖ

Юридик манзили:

Тошкент ш. Чилонзор туман,  
5-қв, 3-уй, 18- хонадон  
х/р: 2020 8000 9009 4439 0001  
Тошкент ш. “Ўзпромстройбанк” АКБ  
Қатортол филиали.  
МФО: 00426  
СТИР: 305 534 960  
ОКЭД: 96096  
ҚҚС: 326060094183



Директор

М.Р.Ахматбоев

*[Handwritten signatures]*



“Тасдиқлайман”

Тошкент шаҳар ҳокимияти

“ЯБХ” ИК директори в.б.

Комиссия раиси

Р.У. Кучкаров



«27» 04 2022й.

Тошкент шаҳар

“Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, “Қатортол” МФЙ ҳудудидаги 184-сонли мактаб биносини мукаммал таъмирлаш. (АРТ 1-2 ва топохаритани ҳисобга олган ҳолда).” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси

**ЙИҒИЛИШНИНГ  
БАЁНИ**

**Комиссия аъзолари:**

С. Сагдиев	-Бош муҳандис в.б.
Ш. Қодиров.	-БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиғи
Хамидов О.	-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиғи
Турсунов З.	-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БҲМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса иштирок этади)
Абдусатторов П.	-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси
Абдунабиев А.	-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси

**КУН ТАРТИБИ**

“Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, “Қатортол” МФЙ ҳудудидаги 184-сонли мактаб биносини мукаммал таъмирлаш. (АРТ 1-2 ва топохаритани ҳисобга олган ҳолда).” объекти бўйича(кейинги ўринларда объект деб аталади).

(Р. Кучкаров, С. Сагдиев, Ш. Қодиров, О.Хамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, А. Абдунабиев)

Компания томонидан 2022 йил 13 апрел куни Ўзбекистон Республикаси товар хом-ашё биржасининг электрон порталига (etender.uzex.uz) объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини танлаш мақсадида № 69125 лот рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва қўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “ORIGINAL” МЧЖ голиб бўлганини инобатга олиб:


## ҚАРОР ҚИЛИНДИ:


1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.


2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.


Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 22 апрелдаги электрон баённомасига асосан “Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, “Қатортол” МФЙ ҳудудидаги 184-сонли мактаб биносини мукаммал таъмирлаш. (АРТ 1-2 ва топохаритани ҳисобга олган ҳолда).” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “ORIGINAL” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.


### Комиссия аъзолари.


  
С. Сағдиев

  
Ш. Қодиров

  
О. Хамидов

  
П. Абдусатторов

  
А. Абдунабиев



"Келишди"

Тошкент шаҳар Иқтисодий таркиқёт ва камбағалликни  
қисқарттириш бoш бошқармаси

Ш.Шукuroв

2022 й.

Тошкент шаҳар ҳоқимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ИКнинг

2022 йилги МАНВИЛИ РЎХАТИ

№	Объектлар номи ва шариҳи	Қурилиш бoшқармаси тошқарган йили	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосидан) жузълани, буюртмачи бoшқармаси, шартномачиларнинг умумий қиймати	01.01.22 й. ҳолатига объект қолдиқ қиймати, жузълани, буюртмачи бoшқармаси, шартномачиларнинг умумий қиймати	01.01.22 й. ҳолатига объект қолдиқ қиймати, жузълани, буюртмачи бoшқармаси, шартномачиларнинг умумий қиймати	2022 йил учун капитал қўйилмалар дивиденти				2022 йилда фойдаланишга топширилган		01.01.22 й. ҳолатига объект қолдиқ қиймати, жузълани, буюртмачи бoшқармаси, шартномачиларнинг умумий қиймати	01.01.22 й. ҳолатига объект қолдиқ қиймати, жузълани, буюртмачи бoшқармаси, шартномачиларнинг умумий қиймати	Ташқилот номи					
						Жили	Жилоз	Буюртмачи бoшқармаси		Қурилиш ва ташқилот	Асосий фонд суммаси				01.01.22 й. ҳолатига объект қолдиқ қиймати, жузълани, буюртмачи бoшқармаси, шартномачиларнинг умумий қиймати	01.01.22 й. ҳолатига объект қолдиқ қиймати, жузълани, буюртмачи бoшқармаси, шартномачиларнинг умумий қиймати			
								Жили	Жилоз								Жили	Жилоз	
1	Объектлар номи ва шариҳи	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
43	Жили қилиб қўйилган, жузълани							8 926,093											
1	Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, "Бик ота" МФЙ ҳудудда янги мактаб биносини қуриш	2022й	Объект					1 201,276					Объект						Тошқар
2	Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, "Турон" МФЙ ҳудуддаги 410-сонли МТТ биносини янгиликларни ташқилот	2022й	Объект					51,000					Объект						Тошқар
3	Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, "Турон" МФЙ ҳудуддаги 493-сонли МТТ биносини музламоқ ташқилот	2022й	Объект					198,650					Объект						Тошқар
4	Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, "Турон" МФЙ ҳудуддаги 597-сонли МТТ биносини музламоқ ташқилот	2022й	Объект					184,275					Объект						Тошқар
5	Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, "Турон" МФЙ ҳудуддаги 71а-сонли мактаб биносини музламоқ ташқилот	2022й	Объект					312,000					Объект						Тошқар
6	Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани, "Ботқобдон" МФЙ ҳудуддаги 325-сонли МТТ биносини музламоқ ташқилот	2022й	Объект					73,850					Объект						Тошқар



№	Кўриши бошланиши ва маълуми фойдаланиш топириши йили	4	5	6	7	8	2022 йил учун капитал қўйилмалар йиллиги				2022 йилда фойдаланишига топирилган		16	17	18	19	20	
							9	10	11	12	13	14						15
		Кўриши бошланиши ва маълуми фойдаланиш топириши йили	Объектнинг учун қиймати (шартнома асосда) жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилда йилда ўтучи объектнинг ҳисоблаш бўлими қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилда йилда ўтучи объектнинг ҳисоблаш бўлими қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	01.01.22 й. ҳолатига йилда йилда ўтучи объектнинг ҳисоблаш бўлими қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	Жили капитал қўйилмалар	Қўришни - монтаж ишлари	Жилоз	Буюртмачи бошқа харажатлари	Жили	Жумладан саклаш харажатлари	Қувватлму дав	Асосий фонд суммаси	01.01.23 й. ҳолатига йилда йилда ўтучи объектнинг ҳисоблаш бўлими қиймати жумладан, буюртмачи бошқа харажатлари	Экспертида мўъассас ривож ва санои	Тошар (инқилолар маърасига бўйича баёнома ривож ва санои	Ташкилот номи
1	Объектлар номи ва маълуми	2																
7	Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, "Бог'ийлар" МФЙ ҳудудидagi 175-сонли мактаб биносини муъамал таъмирлаш	2022й	Объект				152,175				152,175		Объект					Тошар
8	Тошкент шаҳар, Миробод тумани, "Банокатин" МФЙ ҳудудидagi 64-сонли МТТ биносини муъамал таъмирлаш	2022й	Объект				88,504				88,504		Объект					Тошар
9	Тошкент шаҳар, Миробод тумани, "Банокатин" МФЙ ҳудудидagi 175-сонли мактаб биносини муъамал таъмирлаш	2022й	Объект				268,000				268,000		Объект					Тошар
10	Тошкент шаҳар, Миробод тумани, "Янги Қўйилас" МФЙ ҳудудидagi 103-сонли МТТ биносини муъамал таъмирлаш	2022й	Объект				212,500				212,500		Объект					Тошар
11	Тошкент шаҳар, Миробод тумани, "Янги Қўйилас" МФЙ ҳудудидagi 126-сонли МТТ биносини муъамал таъмирлаш	2022й	Объект				212,500				212,500		Объект					Тошар
12	Тошкент шаҳар, Миробод тумани, "Янги Қўйилас" МФЙ ҳудудидagi 121-сонли мактаб биносини муъамал таъмирлаш	2022й	Объект				388,000				388,000		Объект					Тошар
13	Тошкент шаҳар, Миробод тумани, "Янги Қўйилас" МФЙ ҳудудидagi 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби биносини муъамал таъмирлаш	2022й	Объект				239,008				239,008		Объект					Тошар
14	Тошкент шаҳар, Олмазар тумани, "Шош-Шурад" МФЙ ҳудудидagi 299-сонли МТТ биносини реконструкция қилини	2022й	Объект				230,008				230,008		Объект					Тошар
15	Тошкент шаҳар, Олмазар тумани, "Шош-Шурад" МФЙ ҳудудидagi 17-сонли мактаб биносини реконструкция қилини	2022й	Объект				199,000				199,000		Объект					Тошар

1	2	3	4	5	6	7	8	2022 йил учун капитал қўйималар лимити				2022 йилда фойдаланишга топширилган		17	18	19	20	
								9	10	11	12	13	14					15
16	17	18	19	20	21	22	23	01.01.22 й. ҳолатига илдан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими қилиб қўйилган	01.01.22 й. ҳолатига илдан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими қилиб қўйилган	01.01.22 й. ҳолатига илдан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими қилиб қўйилган	01.01.22 й. ҳолатига илдан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими қилиб қўйилган	01.01.22 й. ҳолатига илдан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими қилиб қўйилган	01.01.22 й. ҳолатига илдан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими қилиб қўйилган	01.01.22 й. ҳолатига илдан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими қилиб қўйилган	01.01.22 й. ҳолатига илдан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими қилиб қўйилган	01.01.22 й. ҳолатига илдан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими қилиб қўйилган	01.01.22 й. ҳолатига илдан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими қилиб қўйилган	01.01.22 й. ҳолатига илдан йилга ўтувчи объектнинг ҳисоблаш бўлими қилиб қўйилган
16	Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, "Чистлик" МФЙ 16 №ҳудуддаги 298-сонли умумтаълим мактаб биносини мукаммал таъмирлаш	2022й	Объект					466,000			466,000	Объект						Тошкент шаҳар (шўба)лар қўйималари бўлими ва биносини раҳбари
17	Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Чустини МФЙдан жойлаштириш 168-сонли ДМТТ ни реконструкция қилиш	2022й	Объект					212,500			212,500	Объект						Тошкент шаҳар
18	Тошкент шаҳар, Сергеев тумани, "Носайбўристон" МФЙ 18-ҳудуддаги 276-сонли мактаб биносини яқин таъмирлаш	2022й	Объект					52,710			52,710	Объект						Тошкент шаҳар
19	Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, "Хўша Чокич от" МФЙ 19-ҳудуддаги 252-сонли МТТ биносини реконструкция қилиш	2022й	Объект					200,000			200,000	Объект						Тошкент шаҳар
20	Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, "Тинчликбод" МФЙ 20-ҳудуддаги 386-сонли МТТ биносини реконструкция қилиш	2022й	Объект					137,014			137,014	Объект						Тошкент шаҳар
21	Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, "Тинчликбод" МФЙ 21-ҳудуддаги 388-сонли МТТ биносини мукаммал таъмирлаш	2022й	Объект					141,512			141,512	Объект						Тошкент шаҳар
22	Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, "Тинчликбод" МФЙ 22-ҳудуддаги 44-сонли мактаб биносини реконструкция қилиш	2022й	Объект					549,878			549,878	Объект						Тошкент шаҳар
23	Тошкент шаҳар, Чиланзор тумани, "Каторгол" МФЙ 23-ҳудуддаги 7-сонли ДМТТ биносини реконструкция қилиш	2022й	Объект					110,750			110,750	Объект						Тошкент шаҳар
24	Тошкент шаҳар, Чиланзор тумани, "Каторгол" МФЙ 24-ҳудуддаги 289-сонли ДМТТ биносини мукаммал таъмирлаш	2022й	Объект					43,750			43,750	Объект						Тошкент шаҳар










№	Объектлар номи ва мазмуни	Курсини бошланиш ва фойдаланиш шартлари тошариш йили	Лойiha қуилиш шартлари	Объектнинг умумий баёлиги (шарҳнома асосда) ҳисобланган бўлиши, бошқа харажатлари.	01.01.22 й. ҳолатига объект қолдиқ қиймати, бўлиши, харажатлари.	01.01.22 й. ҳолатига Индустриал Ушунчи объектнинг ҳисоблаш билан қиймати, бўлиши, харажатлари.	01.01.22 й. ҳолатига Индустриал Ушунчи объектнинг ҳисоблаш билан қиймати, бўлиши, харажатлари.	2022 йил учун капитал қўйимлар эмитти				2022 йилда фойдаланишга тошарилаётган		01.01.23 й. ҳолатига Индустриал Ушунчи объектнинг (айта тибқи) қиймати, бўлиши, харажатлари.	01.01.23 й. ҳолатига Индустриал Ушунчи объектнинг ҳисоблаш билан қиймати, бўлиши, харажатлари.	Тендер (таъриқлар) натижасига бўйича баёлига рақами ва саноат	Ташкилот номи		
								Жами капитал қўйимлар	Қурилиш - монтаж ишлари	Жили	Бюджетли бошқа харажатлари	Қулаган дат	Асосий фонд суммаси						
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
43	Тошкент шаҳар, Яшилбод тумани, "Жарбонин" МФЙ Чўлуқча 120 урилиш МТТнинг айти боёлигини қуриш	2022й	Объект					145,647			145,647		Объект						Тендер



"Қирғиз" ширкати  
 Ўзбекистон Республикаси Министирлик Иқтисодий ва Маҳсулотлар Соҳаси  
 Ўзбекистон Республикаси Министирлик Иқтисодий ва Маҳсулотлар Соҳаси



Л.Н.Исмагулова  
 2022 й.

*[Handwritten signature]*